



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
келажаги  
буюк  
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: info@xs.uz

2010 йил 26 июнь, № 127 (5042)

Шанба

## МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИГА

Қадри дўстлар!  
Авваломбор, сиз, ҳурматли журналистларни, нашриёт ва матбаа, радио ва телевидение соҳаси фидойиларини, муҳтарам фахрийларимиз, юртимиздаги барча муштарийларни бугунги қутлуг айём — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Журналист аҳлининг машаққатли ва шарафли меҳнатидан, таъсирчан сўзи ва ижодий маҳоратидан ҳар куни баҳраманд бўладиган миллионлаб одамлар сизларнинг тимсолингизда эл-юрт манфаатини ўйлаб яшайдиган фидойи инсонларни, олижаноб касб эгаларини кўради.

Бундан бир аср муқаддам ўзбек миллий журналистикасининг тамал тошини қўйган маърифатпарвар боболаримиз матбуотнинг асл моҳиятини ана шундай чуқур англаб, масъулият билан иш юритганлари, ўйлайманки, сизларга яхши маълум.

Бу фикрни биргина мисол — 1914 йили "Садои Фаргона" газетасининг илк сонидан чоп этилган "Матбуот бутун дунёдаги маданий миллатларнинг ҳаёт йўллари, оламдаги даражалари ва инсоният тараққиётининг чўққиси учун лозим бўлган сайъ-ҳаракатлар тўғрисида маслаҳатлашмоқ ва кенгашмоқ учун зарур бир воситадир" деган сўзлар ҳам яққол исботлайди.

Мустақиллик йилларида миллий матбуотимиз ана шундай тамойиллар ва замонавий талаблар асосида тубдан янгиланиб ва ривожланиб бораётгани, айниқса, эътиборлидир.

Шу билан бирга, барчамиз яхши тушунамизки, бугун биз яшаётган шиддатли XXI аср, ҳаётимизга кескин суръатлар билан кириб келаётган глобаллашув жараёналари оммавий ахборот воситалари ва журналистларимиз олдида янада муҳим ва долзарб вазифаларни қўймоқда.

Бу ўринда гап журналистнинг нафақат истеъдоди ва маҳорати ҳақида, айни пайтда ўз умрини шу заҳматли касбга бағишлаган ҳар қайси инсоннинг фуқаролик масъулияти, ҳамиша давр билан ҳамнафас бўлиб, жамиятдаги ўткир муаммоларни дадил кўтариб чиқиши, уларга жамоатчилик ва кенг омманинг эътиборини қаратиши, қисқа қилиб айтганда, эл-юрт дарди ва истиқбол учун, ҳаётимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, адолат ва ҳақиқат қарор топиши учун куйиб-ёниб яшаши ҳақида бормоқда.

Шу маънода, ўзини юртпарвар деб ҳис қиладиган ҳар бир журналистнинг Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг халқаро майдонда муносиб обрў-эътибор қозониши, бугунги нотинч замонда, айниқса, ён-атрофимиздаги вазият кескинлашиб бораётган бир пайтда она-юртимизни асраш-авайлаш, дўстни душмандан, оқни қорадан ажратишга, аҳолиимизни доимо сезгир ва огоҳ бўлиб яшашга даъват этишда ўз хиссасини қўшиши алоҳида аҳамиятга эга.

Бу эса матбуот аҳлининг тез ўзгариб бораётган ҳаёт билан ҳамқадам бўлиб яшашини, тараққиёт сирларини эгаллаш, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари, аввало, Интернет имкониятларидан тўла фойдаланишга эришишни, ўз устида доимий ишлашини тақозо этади, албатта.

Қаттиқ ирода ва тинимсиз меҳнатни талаб қиладиган бундай вазифалар ҳақида гапирганда, барчамиз яхши англаймизки, аввало, мамлакатимизда оммавий ахборот воситаларининг фаолиятини замон даражасига кўтариш учун ҳуқуқий кафолат ва шароитларни, журналист ва техник кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, уларнинг меҳнатини муносиб рағбатлантириш масалалари демократик давлат барпо этиш вазифасининг узвий бир қисми бўлишини таъминлаш мақсадида ҳали яна улкан ишларни амалга оширишимиз зарур.

Бу хусусда сўз борганда, кейинги йилларда марказда ва жойларда оммавий ахборот воситаларининг моддий-техник базаси, кадрлар салоҳияти мустаҳкамланаётгани, айниқса, нодавлат нашрлар ва телерадиоканаллар фаолияти кенгайиши ахборот майдонида ўзаро рақобат муҳитининг, энг муҳими, жамиятимизда фикрлар ва қарашлар ранг-баранглигининг кучайиши, аҳолиимизнинг дунёқараши ва маънавий оламини янада юксалтиришга катта таъсир кўрсатмоқда.

Шундай ижобий ўзгаришларни қўллаб-қувватлаш, уларга янги амалий туртки бериш мақсадида матбуот байрамга бағишлаб жойларда бўлиб ўтадиган турли тадбир ва учрашувларда журналистларнинг ҳаётимиздаги ўрни ва вазифаси хусусида ҳокимият ва жамоатчилик вакиллари иштирокида кенг ва атрофли фикрлашиб олиш айти мундоо бўлур эди.

Шу борада чуқур бир ҳақиқатни англаб олишимизни истардим: оммавий ахборот воситаларининг бугунги фаолияти, уларнинг савияси, ўткирлиги ва таъсири, бир сўз билан айтганда, бу соҳани амалда "тўртинчи ҳокимият" даражасига кўтариш учун яна қандай чора-тадбирлар кўриш, қандай вазифаларни амалга ошириш кераклигини белгилаб олишда, илғор дунё тажрибасини жорий қилишда бизга ўзимиздан бошқа ҳеч ким кўмак беролмайди.

Ўзимиз белимизни қаттиқ боғлаб, қўл-оёғимизда бамисоли занжир бўлиб турган эскича қараш ва қолиплардан озод бўлиб, қонун олдида барчанинг тенг экани амалда ўз тасдиғини топиши учун чарчамасдан доимо курашиш — бугунги давр талаби эканини унутмаслигимиз лозим.

Бугун юртимизда матбуот байрамини нишонлар эканмиз, қайси соҳа бўлмасин — бу газета-журнал ёки радио-телевидение бўладими, нашриёт ва матбаа соҳаси бўладими — журналистикамиз ривожига катта ҳисса қўшаётган барча ижодий ва техник ходимларни, муҳтарам фахрийларимизни ушбу қутлуг сана билан яна бир бор табриклаш, сизларнинг шарафли меҳнатингизни халқимиз, Ватанимизни доимо сезгир ва огоҳ бўлиб яшашга даъват этишда ўз хиссасини қўшиши алоҳида аҳамиятга эга.

Ҳурматли ва азиз дўстлар!  
Барчангизга сиҳат-саломатлик, бахт ва омад, масъулиятли фаолиятингизда янги-янги муваффақиятлар тилаймиз.

Меҳнат ва ижод зами сизларни ҳеч қачон тарк этмасин.

**Ислом КАРИМОВ,**  
Ўзбекистон Республикаси  
Президенти.

## 27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни



## МИЛЛИЙ МАТБУОТ РАВНАҚИГА ЭЪТИБОР

Президентимиз Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида мамлакатимизда оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш, уларнинг фаолиятини қўллаб-қувватлаш, мустақиллиги ва эркинлигини амалда таъминлаш бораборида масъулиятини янада ошириш муҳим аҳамият касб этаётганини алоҳида таъкидлади. Бундай эътибор ва ғамхўрлик соҳа ходимларидан жамият олдидаги маънавий-ижтимоий бурчинини янада тيرانроқ ҳис этишни, замон руҳи билан ҳамнафаслик, ҳамқадамликни, фаол ва қатъий фуқаролик позициясига эга бўлишни, воқеликка чуқур таҳлилий ёндашувини талаб этади.

Мамлакатимизда 27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни кенг нишонланаётган шу кунларда бу жиҳатлар яна бир қарра ўз ибодтини топмоқда.

Халқимизнинг сиёсий, ижтимоий фаоллигини ошириш, маънавиятини юксалтириш, барча соҳаларда кечаётган ислохотларнинг мазмун-моҳиятини аҳолига холис, ҳаққоний ва тезкор етказишда, баркамол авлодни тарбиялашда, ёшларни миллатимиз учун ёт гоғлар таъсиридан асраб-авайлашда оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Президентимиз раҳнамолигида миллий матбуотни изчил равишда топтириш, унинг ҳажон ахборот маконидан ўз ўрни ва мавқеига эга бўлиши, эркин ва самарали фаолият кўрсатиши учун зарур шароит ва имкониятларни яратиш юзасидан кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан ўтказилаётган турли анжуманлар ва ижодий учрашувларда бу борадаги вазифаларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Соҳа ходимларининг касб байрамига бағишлаб 25 июнь куни Ўзбек Миллий академик драма театрида тантанали йиғилиш бўлиб ўтди.

Унга турли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари вакиллари, соҳа фахрийлари, оммавий ахборот воситалари, нашриёт-матбаа ижод уйларида фаолият кўрсатётган ижодкорлар, олий ўқув юртинларнинг журналистика факультети профессор-ўқитувчилари, ижодкорлар, талабалар, кенг жамоатчилик вакиллари тақлиф этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х. Султонов ўқиб эшиттирди.

(Давоми 2-бетда).

## Замонавий технологиялар: СИФАТ ВА ЯНГИЛАНИШ

Истиқлол йилларида Юртбошимиз раҳнамолигида миллий матбаамиз жаҳон матбаа саноти билан ҳар жабҳада тенглашди, рақобатбардош, салоҳиятли соҳалардан бирига айланди.

Айниқса, унинг мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар натижасида замонавий технологиялар билан жиҳозланганлиги, сўнгги рўсумдаги тежамкор, компьютерлаштирилган линияларнинг ишга туширилгани бугунга келиб соҳанинг шитоб билан ривожланишига мустаҳкам асос яратди.

— Матбаамиз тараққиётини кеча ва бугун мисолида қиёсласак, ер билан осмонча ўзгаришлар кўзга ташланади, — дейди "Ўзбекистон" нашриёт-матбаа ижодий уйи директори Зоир Исақонов. — Бундан йигирма

йил муқаддам иш жараёнида кўп муаммоларни тугдирадиган оғир ва кўпол дастгоҳлардан фойдаланар, очиги, жуда-ям қийналиб фаолият юритар эдик. Хозир-чи, жаҳоннинг етакчи компаниялари томонидан ишлаб чиқарилаётган замонавий рўсумдаги юксак технологик дастгоҳларнинг деярли барча турдагисига эгамиз.

— Бизда "Биттадан миллионгача" деган шior бор, — дейди тажрибали матбаачи-оператор Дийрбек Тўхтабеков. — Бу иборани муфассалроқ баён этсам, исталган матбаа

маҳсулотини бир дондан бир неча миллион нусхагача босиб чиқариш имконияти мавжуд. Шу боис буюртмамиз кўп, иш ҳажми эса асло камайгани йўқ. Қолаверса, корхонамизга "Heidelberg" компаниясининг (Германия) "Speedmaster-102" русумли олти рангли дастгоҳдан тўртта, бошқа машҳур компанияларнинг "КВА-Rapida" босма ускунаси, китобни уч томонлама автоматик тарзда кесадиган "Perfekta" ускунаси, Италиянинг "Presto" компаниясидан эса кичик

СУРАТДА: корхона ходимлари Абдуманнон Шарофитдинов, Бахтиёр Турғунбоев.

(Давоми 2-бетда).

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ҚИРГИЗИСТОНДАГИ ВОҚЕАЛАР ЮЗАСИДАН БЕРГАН БАЁНОТИ ҚИРГИЗ ЖАМОАТЧИЛИГИ НИГОҲИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Қирғизистондаги воқеалар юзасидан шу йил 18 июнь куни Бухоро вилоятига сафари чоғида берган баёноти сиёсий, эксперт-таҳлилчи ва дипломатия доираларида, хусусан, Қирғизистон оммавий ахборот воситаларида кенг шарҳланмоқда.

Баёнот матни Қирғизистоннинг Муваққат ҳукумати матбуот хизмати томонидан ҳамда мамлакатнинг барча асосий ахборот агентликлари ва оммавий ахборот воситалари, жумладан, Қирғизистоннинг "Кабар" миллий ахборот агентлиги, "24.kg", "Tazar.kg", "Barakelde.org", "For.kg" каби ахборот агентликлари, "Қирғизистон сўзи", "Бишкек оқшоми", "Эркин Тоо", "Ижтимоий рейтинг" газеталари, "Белый Парус", "ВРС" каби интернет порталларида эълон қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов баёнотининг моҳияти Қирғизистоннинг умумреспублика телевидениеси янгиликлар каналларида ("КТР", "5-канал", "ЭлТР") қирғиз ва рус тилларида мунтазам эфирга узатилиб турибди.

Ўзбекистон Республикаси Пре-

зиденти Ислом Каримовнинг баёноти Қирғизистоннинг кенг жамоатчилиги орасида катта қизиқиш уйғотди.

Хусусан, мамлакатнинг Муваққат ҳукумати девони ахборот-мувофиқлаштириш маркази мудири, ахборот сиёсати масалалари бўйича мувофиқлаштирувчи Ф. Ниёзов ўз мулоҳазаларида, жумладан, қуйидагиларни қайд этди: "Муваққат ҳукуматнинг барча аъзолари, маҳаллий ҳукумат органлари раҳбарлари мамлакат учун ўта мураккаб бўлган ҳозирги вазиятда Ўзбекистон томонидан Қирғизистонга кўрсатилган ёрдамни жуда юксак баҳолаётти.

Ўзбекистоннинг оқилона сиёсати, биринчи галда, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Қирғизистондаги воқеалар борасидаги пухта ва ҳар томонлама ўйланган қарори мамла-

кат жанубидаги кескинликни камайтиришга хизмат қиладиган мамлакат оддий одамларининг ўзаро муросага келиши, зиддиятнинг тезроқ бартараф этилишига хизмат қиладиган. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга самимий миннатдорлик билдирадиган экан, Муваққат ҳукумат раиси Р. Отунбоева ўзининг барча баёнотлари, шу жумладан, хорижий давлатлар ҳамда халқаро ташкилотлар вакиллари билан уюштирилаётган расмий суҳбатлар чоғида Ўзбекистон раҳбарига юксак эҳтиромини қайта-қайта изҳор этмоқда".

Қирғизистон Ташқи ишлар вазирлигининг Дипломатия академияси ректори, Қирғизистон Республикасининг Фавқулодда ва мухтор элчиси Ж. Сааданбеков: "Бугун ушбу фожианинг сабаблари ҳақида ўз фикрини айтмаган ва ёзмаганлар жуда кам бўлди.

Бироқ воқеага нисбатан муносабат билдирилган орасида, эҳтимол, фақатгина Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов унинг асосий сабабларига аниқ ва холис баҳо берди — содир этилган фожиаларда ўзбекларнинг ҳам, қирғизларнинг ҳам айби йўқлигини, ушбу қонли можаролар учинчи кучлар томонидан уюштирилганлигини айтди. Қўпоровчилик ҳаракатларини уюштирилганларнинг асосий мақсади Ўзбекистонни ҳам бу қарама-қаршиликка тортиш бўлган. Биз, қирғизлар ва ўзбеклар минг йиллар давомида ёнма-ён яшаб келганимиз, ўзаро тил топишга ва ўз муаммоларимизни ўзимиз ечишга қодирмиз. Нафақат тарихий аҳамиятга эга бўлган ушбу ҳаққоний сўзларингиз, балки Сизнинг жаҳон миқёсидаги доно давлат арбоби ва ўзбек миллатининг муносиб етакчиси эканлигингизни ифода этувчи кескин вазиятни юмшатиш бора-сидаги оқилона амалий сайъ-ҳаракатингиз учун Сизга катта раҳмат, муҳтарам Ислом Абдуғаниевич".

(Давоми 2-бетда).

# ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ҚИРГИЗИСТОНДАГИ ВОҚЕАЛАР ЮЗАСИДАН БЕРГАН БАЁНОТИ ҚИРГИЗ ЖАМОАТЧИЛИГИ НИГОҲИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

## Иқтисод фанлари номзоди К. Ормушев (Қирғизистон):

"Илгари, ҳукумат тизимларида ишлаб юрганимда, бугунги кунгача доимо мамлакат раҳбариятини, энг аввало, ҳамшира киргиз халқига ўзининг ёрдам қўлини чўзган, яқин қўшнисини оғир кунларда ташлаб қўймаган Ўзбекистон билан узоқ муддатли шериклик муносабатларини барпо этишга ишонтаришга ҳаракат қилиб келганман ва ҳозир ҳам шундай қиламан. Ўзбекистоннинг матонат билан ва ҳар томонлама оқилона ўйланган ёндашуви, мен кўриб турганим — қардош ўзбек халқининг раҳбари, улкан ҳурмат ва эҳтиромга муносиб Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг бебаҳо хизматлари фикримнинг яна бир тасдиғидир. Ўзбекистон раҳбари ўзининг сабрли, доно ва воқеа-ҳодисаларга нисбатан жиддий муносабатда бўлишини намоян этди, зиддиятнинг кенгайишига йўл қўймади ва киргиз жамоатчилиги орасидаги кескинликни юмшатишга ёрдам берди. Биз Қирғизистон учун мураккаб бўлган ушбу кунларда Ўзбекистонни Президент Ислом Каримов сиймосида доно, узоқни кўра биладиган давлат арбоби — ўзбек халқининг ҳақиқий етакчиси бошқаргани билан гурӯҳланамиз".

## Муस्ताқил эксперт М. Суянобов:

"Ўзбекистон раҳбари барчасини аниқ ва тушунарли қилиб ифодалади. Биз Ислом Абдуғаниевични, биринчи галда, ўз давлати ва мамла-

кати миллий манфаатларини изчиллик билан, шу жумладан, воқеаларга муносиб тарзда жавоб берган ҳолда қатъий ҳимоя қиладиган давлат раҳбари сифатида биламиз. Ўзбекистон Республикаси Президентининг баёноти Ўзбекистон жамоатчилиги каби Қирғизистондаги киргиз ва ўзбек доиралари учун ҳам бирдек ижобий таъсир кўрсатди. Бунинг устига, бир вақтнинг ўзида, эканчи ҳолат жуда кам учрайди! Айниқса, этник гуруҳлар муносабатлари каби қалтис соҳада. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов яна бир бор ўзининг доно сиёсати, ўз миллатининг ҳаққоний етакчиси ва муносиб нуфузу эҳтиромга сазовор бўлган ҳақиқий давлат арбоби эканини намоян этди".

## "Себеп" тахлилий маркази директори О. Молдалиев:

"Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов конструктив аҳамиятга эга бўлган баёнот берди. Унинг хизматларини муносиб тарзда тақдирламоқ керак: 1990 йилдаги ўш воқеалари даврида ҳам Ўзбекистон раҳбари бу Қирғизистоннинг ички иши, дея баҳолаб, ушбу масалага аралашмаган ва қарама-қаршилиқнинг кучайиб кетишига йўл қўймаган. Ўзбекистон нафақат биздаги, балки бошқа давлатлардаги вазиятнинг барқарор бўлишини ҳам назорат қилади, бу эса унга минтақадаги вазиятнинг беқарорлашуви-дан манфаатдор бўлган учинчи куч ҳақида ҳулоса чиқариши ҳуқуқини беради. Биз Ўзбекистон келгусида ҳам мамлакатларимиз ўртасидаги ишонч ва дўстона муносабатларнинг мус-

таҳамланишига хизмат қилувчи амалий қадамлар қўйишига ишонамиз".

## "Дин, ҳуқуқ ва сиёсат" тадқиқот-таҳлилий маркази директори К. Маликов:

"Ўзбекистон раҳбариятининг Қирғизистон жанубида содир бўлган воқеаларга нисбатан ўша вақтда зарур бўлган сабр-матонати ва вазиятни теран англагани таҳсинга лойиқдир. Этно-гуруҳлар ўртасидаги зиддиятлар ва ўша кунларда ўш ҳамда Жалолободда содир бўлган воқеалар ўртасидаги чегарани жуда аниқ ажратиб олиш зарур эди. Қирғизистон орқали бутун Фарғона водийсида беқарорлик ҳолатини юзага келтиришга уриш бўлган. Тошкент минтақага таъсир ўтказиш учун катта давлатлар тўқнашгани кўриниб турган зиддиятнинг моҳиятини жуда яхши тушунишни намоян этди. Далиллар бизнинг минтақамизда ниқоб тақиб олган кучлар томонидан бутун Марказий Осиёни қайта ташкил этишга ҳаракатлар бўлганини кўрсатади. Ушбу мақсадлар остида нафақат энергия ресурслари учун, балки диний экстремистик ташкилотлар фаолияти билан боғлиқ гоёвий қурашлар ҳам ётибди. Мен Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатларимиз қийин вазиятдан ўз кучимиз билан чиқиш йўлини излаши лозимлиги ҳақидаги фикрларига қўшилман".

## Сиёсатшунос М. Сариев:

"Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг баёноти ўта зийраклик билан, оқилона ва ўз вақтида амалга оширилган иш бўлди. Ушбу зид-

дият, шубҳасиз, учинчи куч томонидан уюштирилган ҳунрезликдир. Маълумки, ушбу воқеалар даврида бизнинг мамлакатимиз орқали катта миқдордаги гиёванд моддалар олиб ўтилган. Гап шундаки, вазият беқарорлашганда, бу жараёнга террорчилар, диний экстремистлар, гиёванд моддалар билан шуғулланувчи мафия гуруҳларидан иборат бир неча томон ўз манфаатларини қўзлаган ҳолда, қора туйнукка яқинлашган каби, суқилиб қираверади".

## Ҳарбий эксперт Л. Бондарец:

"Биродар ўзбек халқи Ўзбекистон раҳбари етакчилигида Қирғизистон учун мураккаб кечган шу кунларда киргиз халқига ниҳоятда муҳим ёрдам кўрсатди. Бу муносиб эҳтиромга сазовордир ҳамда Ўзбекистоннинг минтақадаги қўшни давлатга бўлгани каби ва умуман, бутун дунёда мавжуд бўлиши лозим саналган қийин вазиятларда яқинларига ёрдам қўлини узатишдек бошқаларга ўрналган бўла оладиган инсонийлик гоёлари тарафдори эканини яна бир бор исботлайди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Қирғизистон жанубида содир бўлган воқеалар бўйича баёноти ўз вақтида қилинганлиги ва унда вазиятга берилган баҳо Қирғизистон жамоатчилиги орасидаги кескинликнинг камайишига бевосита таъсир кўрсатгани билан ўта муҳим аҳамият касб этади ҳамда ушбу баёнот бутун минтақада вазиятни барқарорлаштиришга хизмат қилади".

## «Жаҳон» АА. Бишкек



# Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси «Йилнинг энг фаол журналисти — 2009» танлови ғолибларини эълон қилади:

**Танлов ғолиблари:**  
**Фаррух АЗИМОВ**, «Хуқуқ оламида» газетаси муҳаррири (Наманган вилояти) — хавфсизлик бўйича долзарб масалалар, хусусан, халқаро терроризм, диний экстремизм ва экологик муаммоларга бағишланган материаллари учун

**Ашуралӣ ЖҲРАЕВ**, «Гулхан» журнали бош муҳаррири — маънавий-маърифий мавзудаги туркум мақолалари учун

**Муаззамхон ИБРАГИМОВА**, Ўзбекистон Электрон ОАВ миллий ассоциациясига қарашли «Дийдор» радиоси муҳаррири — аҳолининг репродуктив саломатлиги, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш масалаларига бағишланган туркум эшиттиришлари учун

**Анна ИВАНОВА**, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — УзАнинг ахборот назорати ва хабар узатиш хизмати бош муҳаррири — юртимизда юз бераётган ички сиёсий воқеалар ва халқаро қўламадаги ижтимоий аҳамиятга молик муҳим тадбирларни интернет нашрларда тезкорлик билан ёритгани учун

**Дилдора МАРДИЕВА**, «Ёшлар» телерадиоканали катта муҳаррири — «Баркамол авлод йили» Давлат дастури ижросига ҳамда юртимизда ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга қаратилган ижодий ишлари учун

**Собир НАРЗИЕВ**, «Қашқадарё» газетаси фотомуҳрири — вилоятнинг ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ва маданий ҳаётидаги ислохотларни кенг ёритган фоторепортажлари учун

**Шерзод РҲЗИЕВ**, УзМТРК «Ўзбекистон» телерадиоканали ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий дастурлар бош муҳарририяти сиёсий шарҳловчиси — жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш, аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш йўналишидаги туркум кўрсатувлари учун

**Омонулла ФАЙЗИЕВ**, «Халқ сўзи» газетасининг бўлим муҳаррири — Республикада инқирозга қарши чоралар дастурининг ижросига ҳамда қишлоқларда намунавий лойиҳадаги замонавий уй-жойлар қурилишига бағишланган туркум материаллари учун

**Дилмурод ҚИРГИЗБОВЕВ**, «Кишлоқ ҳаёти» газетасининг бўлим муҳаррири — «Кишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили»га бағишланган материаллари учун

тини янада қўллаб-қувватлаш, унинг моддий ва молиявий базасини мустаҳкамлаш, қишлоқда шаклланиётган янги мулкчи муносабатлар, ўрта синф — мулкдорлар, тадбиркорлар, ишбилармонлар манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган давлат сиёсатини давом эттириш ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Тадбирда қонун лойиҳасидаги фермер хўжалиқлари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ишлаб чиқариш инфратузилмаларини яратиш, уларнинг фаолияти давлат стандартларига мос ҳолда таъминлаш, янги иш ўринлари яратилиши, иш берувчи ва ишловчилар орасида меҳнат муносабатларини шакллантириш, меҳнат қилиш ва дам олиш шартларини талаб даражасига кўтариш каби муҳим масалаларни ҳал этиш билан боғлиқ ҳуқуқий нормаларга эътибор қаратилди.

Хусусан, «Фермер

**Ғолиб ҲАСАНОВ**, «Зарафшон» газетаси бош муҳаррири ўринбосари (Самарқанд вилояти) — Ватан туйғуси, миллий мерос, ўзбек халқининг аънавалари ва кадрларини сақлашга доир мақолалари учун

**Қуйидаги журналистлар ижодий танловнинг рағбатлантирувчи мукофотига сазовор бўлдилар:**

**Ҳамиджон БУРҲОНОВ**, (Фарғона вилояти) — Риштон тумани ҳокимлигининг «Риштон ҳақиқати» газетаси муҳаррири

**Нозима ВОҲИДОВА** — УзМТРК «Ўзбекистон» телерадиоканали «Истикбол» студияси катта муҳаррири

**Қарахан ЖҲРАЕВ**, (Тошкент вилояти) — «Нурли жол» газетасининг жамоатчи муҳбири

**Басанда ЖАЛИЛОВА**, (Сурхондарё вилояти) — «Жамият» газетасининг ўз муҳбири

**Дамин ЖУМАҒУЛОВ** — «Тафаккур» журналининг масъул котиви

**Татьяна ЗОЛОТИЛОВА** — «Маънавият» нашриёти техник муҳаррири

**Бахтиёр РИЗАЕВ** — «Ўзбекистон матбуоти» журнали бош муҳаррири

**Азамат САҒАРОВ**, (Хоразм вилояти) — УзМТРК «Ахборот» бош муҳарририяти муҳбири

**Ферузaxon СИДДИҚОВА** (Андижон вилояти) — вилоят телерадиоканалининг радиоэшиттиришлар муҳаррири

**Пардабой ТОҲИБОВЕВ** (Жиззах вилояти) — «Миллий тикланиш» газетасининг ўз муҳбири

**Севара ТОШМУҚУМОВА** (Сирдарё вилояти) — «Шифо-инфо» газетасининг махсус муҳбири

**Учкун ТУРСУНОВ** (Бухоро вилояти) — «Коинот» нодавлат телевидениеси журналисти

**Шарап УСНАТДИНОВ** (Қорақалпоғистон Республикаси) — Маънавият тарғибот маркази раҳбари

**Гулнора ҲАРАЛОВА** (Навоий вилояти) — вилоят телерадиоканали муҳаррири

**Наргис ҚОСИМОВА** — «Учитель Ўзбекистона» газетаси шарҳловчиси (интернет-журналистика)

# МИЛЛИЙ МАТБУОТ РАВНАҚИГА ЭЪТИБОР

(Давоми. Боши 1-бетда).

## Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Ш. Ғулмов оммавий ахборот воситаларини янада демократлаштириш ва эркинлаштириш, матбуотимизнинг сифати ва таъсирчанлигини ошириш, унинг самарали фаолият кўрсатиши учун барча шароит ва имкониятларни яратиш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, кадрларнинг ижодий, техник маҳорати ва маънавий юксалтириш масаласи давлатимиз раҳбарининг доимий эътиборида эканини таъкидлади. Нодавлат оммавий ахборот воситалари тармоғини янада кен-

гайтириш, уларнинг юртимизда кенаяётган ислохотлар ва хорижда содир бўлаётган воқеаларни фаол, ишончли тарзда ёритиши учун қўшимча шароит ва имкониятлар яратиш, журналистларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш юзасидан кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.

Президентимиз ташаббуси билан Баркамол авлод йили деб эълон қилинган жорий 2010 йилда жамият ҳаётининг барча жабҳаларида бўлгани каби миллий матбуот соҳасида дадил кириб келаётган истеъдод соҳибларини кашф этиш, ўз сўзи ва овозига эга бўлган

йқтидорли ёш журналистларни қўллаб-қувватлаш, уларни ҳар томонлама рағбатлантириш, янгидан-янги ижодий парвозлар сари даъват этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Тадбирда Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси томонидан аънавий тарзда ўтказиб келинаётган «Йилнинг энг фаол журналисти» республика кўриктанлови ғолиблари ва совриндорларига мукофотлар топширилди. Болалар спортини ривожлантириш, аҳолини жисмоний тарбия ва оммавий спортга кенг жалб этишга оид чора-тадбирларни фаол ва кенг ёритган журналистлар

Болалар спортини ривожлантириш жамгармаси ҳамда Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг совғалари билан тақдирланди.

Тадбирда сўзга чиққанлар миллий журналистикани ривожлантириш, соҳа ходимларининг меҳнатини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга қаратаётган доимий эътибори ва ғамхўрлиги учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдирдилар.

Ийгилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. Орипов иштирок этди.

Назозат УСМОНОВА, ЎЗА муҳбири.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг шу йилнинг январь ойида бўлиб ўтган қўшма йиғилишида Президентимиз қуйи палатанинг аввалги чақириқ давридаги фаолиятига баҳо бериш билан бирга, янги сайланган депутатлар олдига ҳам қатор вазифалар қўйди. Жумладан, парламентимизнинг юксак ташаббускорлигини ошириш йўлида мунтазам изланиш зарурлигини, ҳар бир депутат ва сиёсий партиянинг эса, авваламбор, сайлов даврида ўз зиммасига олган мажбуриятларини бажариши лозимлигини алоҳида таъкидладилар.**

# АГРАР СОҲАНИНГ ҲУҚУҚИЙ КАФОЛАТЛАРИ

Парламентдаги муҳбиримиз хабар қилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси ўтказган давра суҳбатида ҳам айтиш шартки сўз юритилди. Бу очиқ мулоқот фермер хўжалиқлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи қонунларни такомиллаштиришга бағишланди. Аслида, мазкур давра суҳбати янги таркибдаги Қўмитанинг мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши билан боғлиқ Давлат дастурларини амалга оширишни таъминлайдиган қонунларни таҳлил этиш ва такомиллаштириш ҳамда депутатлар ташаббусларини қўллаб-қувват-

лашга қаратилган режасига асосан ташкил этилди. Шунингдек, «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги Қонунга киритилиши тақлиф этилаётган ҳуқуқий нормалар қўмита аъзолари ҳамда Тадбиркорлик ва фермерликни қўллаб-қувватлаш маркази томонидан олиб борилган фермерлар фаолиятини ҳар тарафлама ўрганиш, улардан келиб тушаётган тақлифларнинг иқтисодий ва ижтимоий аҳамияти ҳамда моҳиятини аниқлаш таҳлил этиш ишларининг мантқиқий давоми ҳам бўлди.

Давра суҳбатида Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, Девон ходимлари, Қўмита қоши-

да ташкил этилган экспертлар гуруҳи аъзолари, вазирлик, идоралар ва давлат қўмиталари вакиллари, олий ўқув юрталари ва илмий тадқиқот муассасалари олимлари ҳамда фермерлар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар. «Кишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури, 2009 — 2012 йилларга мўлжаллаб қабул қилинган Инқирозга қарши чоралар дастури, Ҳукуматнинг 2010 йилда мамлакатда янги иш ўринларини барпо этиш ва аҳоли бандлигини таъминлашга қаратилган дастурларида қишлоқда ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантириш асосида аҳоли турмуш даражасини юксалтириш, қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни изчил чуқурлаштириш бориш зарур. Шунингдек, фермерлик ҳарака-

тини янада қўллаб-қувватлаш, унинг моддий ва молиявий базасини мустаҳкамлаш, қишлоқда шаклланиётган янги мулкчи муносабатлар, ўрта синф — мулкдорлар, тадбиркорлар, ишбилармонлар манфаатларини

ҳўжалиги тўғрисида»ги Қонунда фермер хўжалигининг аниқ манзили, фаолият кўрсатаётган ҳудуди, хўжаликни идора этадиган, асосий моддий-техник заҳиралари сақланадиган жойи ҳақидаги нормалар акс эттирилиши

мунозаралар бўлиб ўтди. Тадбирда тавсия этилаётган янги қондалар фермер хўжалиқларини самарали бошқаришга, техник воситаларни сақлаш ва таъмирлашга, махсулотни қайта ишлашда замонавий технологияларни қўллашга, қўшимча даромад олиш, янги иш ўринлари очишга, фермер ва ишчиларнинг вақтини тежашга хизмат қилиши алоҳида таъкидланди. Қолаверса, қонунга киритилаётган бу ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисидаги муносабатларни тартибга солинадиган, фермер хўжалиги аъзолари ва ишчиларнинг хўжаликда муқим ишлаб қилишлари учун асос яратилди, қишлоқлардаги тураржой секторида экологик ва техноген таълиқнинг ҳам барта-

раф этди. Давра суҳбати якунида тегишли ташкилотлар ва муассасалар билан ҳамкорликда ҳулосалар ишлаб чиқилди. Шунингдек, фермер хўжалиқлари фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган қонунчилик базасини, хусусан, «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини янада такомиллаштириш масаласига қаратилган махсус амалий семинар ташкил этиш мақсада мувофиқ эканлиги белгиланди.

Алишер БОЛИЕВ.

(Давоми. Боши 1-бетда).

— Корхонамизда ишчилар учун барча шарт-шароитлар мукаммал, — дейди бошқарува ходими Бахтиёр Турғунбоев. — Ҳар билимининг меҳнат фаолиятимиз корхона томонидан сугурта қилинган. Саломатлигимизни мустаҳкамлашимиз учун турли санаторийларга мунтазам равишда йўлланма бери-

## Замонавий технологиялар: СИФАТ ВА ЯНГИЛАНИШ

лади. Дам олиш кунлари тарихий шаҳарларимизга саёҳат қилиш ёхуд сўлим дам олиш масканларида ҳордиқ чиқаришимиз учун барча имкониятлар етарли. Мен ҳаётимдан, бахтиёр ва осуда замонамиздан жуда мамунман. Ишмининг кадрлайман, ҳар бир куним сермазмун ўтаётганидан бахтиёрман. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, «Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйи ўтган йили 600 минг АҚШ доллари миқдоридagi махсулотини экспортга чиқарган бўлса, жорий йилда мазкур кўрсаткич янада ошиши кутилмоқда. Табиийки, ўсиш суръати ҳам шунга яраша. Яъни ўтган йилнинг шу давридаги нисбатан 124 фоизни ташкил этмоқда.

Юртимизда Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунин кунини янада янгиликлар билан тўлдирмоқда. Ўз навбатида, заҳматқаш матбаачиларимизни, жумладан, халқимиз учун кўримли ва чиройли китобларни чоп этаётган, кундалик ҳаётимизда зарур бўлган қоғоз махсулотларини сифатли тайёрлаб бераётган «Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйи ишчи-хизматчиларини касб байрамлари билан чин юракдан табриқлаб, уларнинг эзгу ва хайрли ишларида омад тилаб қоламиз.

А. ҚУТБИДИНОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.



**Бугунги Ўзбекистон ёшларига, ўғил-қизларимизга нафақат ўзимизнинг, балки ўзга юрт одамларининг ҳам ҳаваси келаётгани аниқ ҳақиқат. Муҳтарам Ўртбошимиз Исмоил Каримов мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидан бошлаб соғлом авлод масаласини кун тартибига қатъий қилиб қўйгани ва ўтган давр мобайнида бу борадаги мақсад-вазифалар изчиллик билан амалга оширилиб келинаётгани Ўзбекистон ёшларининг ҳеч қандай кам бўлмаган, бамисоли қудратли тўлқинга айланган, Ватанимиз довуғини дунёга кўз-кўз қилиши, чин маънода баркамол авлод бўлиб камол топиши учун мустақкам пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда.**

Шаҳар ва қишлоқларимизнинг ҳуснига узукка кўз қўйгандек ярашиб тушган замонавий мактаблар, лицей ва коллежлар, болалар спортини, санъат, маданият масканлари, олий ўқув юртли бинолари, уларда таълим-тарбия олаётган ўғил-қизларимизнинг ўқишда, илм-фан ва санъатда, спортда эришяётган ютуқлари бу фикрни аққол тасдиқлаб турибди.

Президентимиз таъкидлаганидек, биргина болалар спортини ривожлантириш ҳамғармаси ҳисобидан кейинги йилларда қарийб 160 миллиард сўм маблағ сарфланиб, 1130 та болалар спорт объектлари бунёд этилгани ва жиҳозлангани ҳам ана шундай эътибор ва ғамхўрликнинг ёрқин намунаси.

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида зарур шарт-шароитлар яратилгани боис бугунги кунда спорт фарзандларимизнинг доимий ҳамроҳига айланмоқда. Бунда, айниқса, фақат бизнинг диёримизда мавжуд бўлган, спортга астойдил қизиққан ўғил-қизларимизнинг "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод", Универсиада спорт мусобақаларининг аҳамияти катта бўлмоқда. Айни пайтда уч бунёддан иборат бу улдузсиз тизим Ўзбекистон ёшлари учун дунё спорт оламига нури йўл очяпти. Биз талаба ёшларининг "Универсиада — 2010" ўйинларини бевосита кузатиб, спортчи-талабалар билан ҳамсухбат бўлиб, юртимиздаги тўв ўзгаришлар, гўзал манзараларни ўз кўзимиз билан кўриб, бу фикрга яна бир бор ишонч ҳосил қилдик.

Маълумки, файзли хонадоннинг дарвозаси кўркам бўлади, ободлик унинг остонасидан бошланади. Андижон заминига қадам қўйишимиз билан буни юракдан ҳис этасиз. Ҳақиқатан ҳам, бугун Андижонни айланган кўзга қувонч, дилга сурур ва гурур бахш этади.

Темир йўл вокзалидан, марказий автобекатдан шаҳарнинг марказига борадиганлар аввал шу заминнинг фарзанди, Темирйўллар сулоласининг буюк давомчиси Заҳриддин Мухаммад Бобур ҳайкалини зиёрат қилиб ўтишади. Кўп йиллар Ватандан узоқда яшаган буюк аждодимиз мана бу сатрларни битаятганда йиллар ўтиб, замонлар ўзгариб, ҳисмонан бўлмас ҳам руҳан она

диёрига қайтиши ва озод халқининг эъзозиде бўлишини билгандек, гўё:

**Васинга еткурди даврон  
оқибат Бобурни, шукр,  
Энди даврондан қалма,  
асло шикоят қолмади.**

"Универсиада — 2010" спорт ўйинлари иштирокчилари Заҳриддин Мухаммад Бобур номи-

ётоқхонасида бизни кутиб олганлар орасида таниқли тарихчи олим, университетнинг фахрий профессори, 85 ёшни қаршилаган бўлишига қарамай, гайрату шиддати ўзига ярашган Сайфиддин ота Жалилов ҳам бор эди. У киши барчамизни қутлаб, "Юртимиздаги тинчлик-омонликка кўз тегмасин. Улуғлик, тўкин-

сида Андижонга ташриф буюриб, бу заминдаги ана шундай улкан ўзгаришлар билан танишдилар. Айниқса, давлатимиз раҳбарининг асосий тантана ва беллашувлар ўтадиган "Соғлом авлод" стадионини кўздан кечириб, керакли кўрсатма ва топшириқлар бергани Универсиада спорт ўйинларининг юксак савияда, алоҳида кўтаринки руҳда ўтишида ҳал қилувчи омил бўлди.

Андижон вилоятининг Шаҳрихон, Асака, Олтинкўл туманларида аҳолига имтиёзли кредитлар ҳисобидан қурилган янги уйлари кўраб экан, "Инсон шунчаки яшаш учун эмас, яхши яшаш учун меҳнат қилади. Инсон фақат ўзи учун, эртанги боласи учун эмас, етти пуштининг кунига ярайди-

қанчадан-қанча ўғил-қизларимизнинг дилларини чўлгантирди. Рамазий машъала Андижонга — «Соғлом авлод» стадионига етиб келганда, стадион осмониде порлаганда эса, шу ерда жам бўлган 20 минг одамнинг қалбига қуёш алангасини солгандек бўлди, назаримизда.

Шу оқшом стадиондаги улғуворлик, мафтункор шуқуҳ, анжуманга қурилган беназир тайёргарлик ҳамма-ҳаммани лол қолдирди. Стадион осмонини қамраб олган қувонч ва шодон ҳайқирик садолари Андижон осмониде қулиб, тўлиб турган ойнинг баридан бойлаб олганди, гўё.

Назаримизда, "Универсиада — 2010" спорт ўйинларининг очилиш тантаналари тугагунча тўлин ой жойидан жилмади. Чунки тўлин ой Андижон аҳлининг қувончига шерик эди. Тўлин ой шу оқшом Ўзбекистон ёшларининг бошидан кетишини истамаётган эди. Бунда бир ҳикмат бўлса, ажаб эмас.

"Универсиада — 2010" спорт мусобақаларининг ғолиблари ҳақида кўп ва хўп ёзилди. Аслида, Ўзбекистон ёшлари камолотининг ҳақиқий кўзгусига айланган бу нуфузли анжуман қатнашчиларининг ҳаммаси ҳам ғолиб бўлди. Бу юксалиш йўлида шиддат билан бораётган халқимиз, давлатимиз қудратининг яна бир намоёни эди. Андижондан Ўзбекистоннинг барча ёшлари ғолиб бўлиб қайтишди. Чунки майдонга соғ одам, соғлом одам тушади. Соғлиқ-саломатлик — ғолибликнинг бир кўриниши. Юрт эгасининг асосий мақсад-муддаси ҳам, аввало, халқимиз фарзандларини соғлом ва баркамол қўришдан иборатдир.

Мен Универсиада ўйинларида марраларни забт этган ёшларимизни, бу мусобақаларда фаол иштирок этиб, ўзи учун олам-олам таассуротлар олган барча бахтиёр ўғил-қизларимизни буюк келажагимиз қалдирғочлари, дегим келди.


Қалдирғоч баҳордан, эрта тонги ёруғ кунлардан дарак берса, бу азму шижоатли ёшлар бизга Ватанимизнинг келажиги нақадар ёруғ, нақадар буюк эканидан, юртимизда соғлом ва баркамол авлодини воғга етказишга қаратилган кенг кўламли ишларимиз беиз кетмаётганидан далолат беради.

Маълумки, қалдирғоч тинч ва осойишта, обод ва фаришлати, файз-баракали хонадонларга инкуради, бола очиб, полпоанларини юксак парвозларга ўртади.

Ниятимиз шуки, тинчлигимиз янада мустаҳкам, юртимиз янада обод ва фаровон бўлсин! Буюк келажагимиз даракчилари — фарзандларимизнинг парвози ҳам, камоли ҳам зиёда бўлсин.

**Маҳмуд ТОИР,  
Ўзбекистон халқ шоири.**

# БОЛАЛАРНИНГ ШОДОН КУЛГИСИ



**Ҳароратли кунлар бошланиши билан болаларнинг ўлкаимизнинг сўлим гўшаларидаги оромгоҳлар ўз бағрига олди. Бугун Наманган вилоятидаги бир қатор болалар дам олиш масканларида ҳам ўғил-қизлар мароқли ҳордиқ чиқариб, янги ўқув йилга куч-ғайрат тўплашяпти.**

Вилоятда бу йилги мавсумда 13 мингдан зиёд ўқувчини оммавий равишда дам олиш масканларида жалб этиш мўлжалланган. Улар таътил кунларини, асосан, табиат бағрида — тоғ этаклари, сой ва ўрмонлар бағрида жойлашган 9 та болалар оромгоҳида ўтказиб, янги дўстлар орттириб, маданият-маърифий тадбирлар билан машғул бўладилар.

Бада танга ором беради. Болалар кунда-кунора ёнгинамизда жойлашган Ибн Сино номли доривор ўсимликлар ҳўжалиги ўрмон ва экинзорларига сайрга чиқиб, наботот ва ҳайвонот дунёси билан яқиндан танишадилар, биология, зоология фанларини олган назарий билимларини амалда мустаҳкамлайдилар. Жорий мавсумда Наманган шаҳридаги 26-

## Таътил — 2010

Мехрибонлик уйи тарбияланувчилари бада танга ором беради. Болалар кунда-кунора ёнгинамизда жойлашган Ибн Сино номли доривор ўсимликлар ҳўжалиги ўрмон ва экинзорларига сайрга чиқиб, наботот ва ҳайвонот дунёси билан яқиндан танишадилар, биология, зоология фанларини олган назарий билимларини амалда мустаҳкамлайдилар. Жорий мавсумда Наманган шаҳридаги 26-

Мехрибонлик уйи тарбияланувчилари бада танга ором беради. Болалар кунда-кунора ёнгинамизда жойлашган Ибн Сино номли доривор ўсимликлар ҳўжалиги ўрмон ва экинзорларига сайрга чиқиб, наботот ва ҳайвонот дунёси билан яқиндан танишадилар, биология, зоология фанларини олган назарий билимларини амалда мустаҳкамлайдилар. Жорий мавсумда Наманган шаҳридаги 26-

# ЁШЛАР — ВАТАННИНГ ФАХРИ

даги муҳташам майдонни, ҳассос шоир Чўлпон қадамжоларини, унинг музейини зиёрат қилганларида, буюк шоира Нодиранинг руҳи покни ёд этиб, эҳтиром кўрсатганларида ўзлари ҳам қалб-ҳам руҳан юксалгандек, кимларнинг, қандай буюк зотларнинг зурриётлари эканлигини яна бир бор ҳис этгандек бўлдилар.

Биз, ижодкорлар маданият-маърифий тадбирларда иштирок этиш учун ижодий сафарлар билан мамлакатимизнинг турли вилоятларида бўламиз. Ишонч билан айтаемизки, нафақат Тошкент шаҳрида, балки барча вилоятлар марказларида, туман ва шаҳарларда истиқлолимиз ато этган тенгсиз имкониятлар туфайли улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Ўғил-қизларимиз учун қурилатган янги-янги масканлар улғу мақсадларимиз ҳамда мустақил давлатимиз қудратининг ёрқин тимсоли бўлиб қад ростиламоқда.

Жумладан, Андижондаги улғуворлик, кўркамлик, файзу барака ҳам ўзига хос. "Универсиада — 2010" спорт ўйинлари иштирокчилари учун Андижон шаҳридаги бешта олий ўқув юрти ва Андижон давлат университети қошидаги академик лицейда яратилган шарт-шароит ва қўлайликлар учун фақат тасанно, дейиш мумкин. Универсиадага тақлиф этилган меҳмонлар ҳам ана шу ердаги тураржойларда истиқомат қилиши ва бағоят мамнун бўлдилар.

Андижон давлат университети

лик барчамизга муборак бўлсин. Болажонларим, бу кунларнинг қадрига етмоқ ва уни жон қадар асрамоқ керак", деб эзгу ният билдирдилар.

Бугунги Андижонни юртимизнинг гўзал чаманига қиёс этиш мумкин. Ҳаммаёқ гулу гулзор, обод ва саришта. Нафақат шаҳар кўчалари, балки талабалар тураржойлари худудидаги турфа

ган қилиб, пишиқ-пхта уйлар қуриши керак", деган фикрларини билдирдилар Юртбошимиз.

Қувончли шундаки, Андижон қишлоқларида фойдаланишга топширилган бундай замонавий уй-жойлар шу кунгача 60 тага етган бўлса, йил охирига қадар 600 тани ташкил этади.

Бу ҳақда гапирар эканмиз, тadbбиркор Муродилла Раҳматиллаев ҳомийлигида ишга туширилиб, шаҳар ёшларининг энг

## 2010 йил — Баркамол авлод йили

гуллар, соя-салқин масканлар одамни ҳайратга солади. Маданият-маърифий тадбирлар учун қурилган саҳналар, ошхоналардаги қўлайлик, талабалар тураржойларидаги озодлик, ахборот олишдаги имтиёзлар, кўрсатилаётган ҳушмуомала, истеъдодли хонаданларнинг чиқишлари, назаримизда, ҳар бир иштирокчининг қалбиде ўчмас из қолдирди.

Кўркам шаҳарнинг Ўзбекистон ва Бобур шоҳқўчаларини айланган, бири-бирига елка тутган, бири-бирдан гўзал, икки-уч қаватли ўнлаб биноларни кўриб, беихтиёр ўзингизни мўъжизалар диёрига келиб қолгандек сезасиз. Ўзида шарқона мейморчилик ва замонавий қўлайликларни уйғунлаштирган бу шинам ва муҳташам бинолар Андижон аҳли ўзлари учун қураётган уйлардир. Бу биноларнинг ўзига хослиги шундаки, барчасининг биринчи қавати савдо дўконларига, зардўзлик ва гилам тўқиш цехларига, қандаш махсулотлари ишлаб чиқаришга мослаштирилган.

Президентимиз "Универсиада — 2010" спорт ўйинлари арафа-

гавжум масканига айланган "Ёшлар маркази" ҳақида алоҳида тўхталишни истардик. Бу қутлуғ масканда оналар ва болалар учун соғломлаштириш мажмуаларидан тортиб, тантаналар ва тўйлар ўтадиган заллар, фуқаролик ҳолатини қайд этиш бўлимигача мавжуд. Энг муҳими, бу ерда бир вақтининг ўзида юзлаб ёшлар фаолият юритадиган ўқув марказлари, турли тўғараклар, хуллас, йигит-қизларнинг қўбиляти ва истеъдодини рўёбга чиқариш, уларнинг маданий ҳордиқ олиши учун барча имкониятлар бор. Айниқса, очиқ осмон остидаги Болалар шаҳарчаси кишига ўзгача завқ бағишлайди.

Шу сатрларнинг муаллифи Тошкент вилоятининг Паркент туманида туғилиб, шу қутлуғ гўшада истиқомат қилаётгани боис ҳар сафар "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод", Универсиада спорт ўйинлари машъаласининг тантанали ўт олдирилишига гувоҳ бўлади. Бу йилги Универсиада машъаласи Паркент-Оҳангарон-Ангрен-Поп-Чўст-Наманган шаҳарларидан олиб ўтилар экан,

## Спорт • Sport • Спорт

**Ўзбекистоннинг биринчи рақамли теннисчиси Денис Истоин Лондонда давом этаётган "Катта дубулга" туркумига кирувчи йилнинг тўртта нуфузли турниридан бири — "Уимблдон-2010"да муваффақиятли иштирок этмоқда.**

## Теннисчимиз учинчи босқичда

23 ёшли теннисчимиз мусобақанинг иккинчи босқичда германиялик Райнер Шуттлерга қарши қоратта чиқди. Беш сет давом этган беллашув 6/3, 7/6(5), 4/6, 4/6, 6/1 ҳисобиде юртдошимиз фойдасига ҳал бўлди. Денис Истоин учинчи босқичда дунёнинг 13-рақамли теннисчиси, чехиялик Томаш Бердих билан куч сынашди.

## Сколари — ЖАР каналда эксперт

**Жанубий Африка Республикасида футбол бўйича ўтказилаётган жаҳон чемпионати баҳсларини кўплаб машур шахслар, собиқ юлдуз ўйинчилар ва мутахассислар ҳам бевосита стадиондан кузатиб боришмоқда.**

Улар орасида "Бунёдкор" жамоасининг собиқ мураббийи Луиз Фелипе Сколари ҳам бор. Бразилиялик мутахассис учрашувларни томоша қилиш билан бўлганда, Жанубий Африкадаги энг йирик "SABC 1" каналда экс-

пёрт сифатида беллашувларни шарҳлашда ёрдам бермоқда. Айни пайтда Луиз Фелипе Сколари Бразилияда ўз фаолиятини давом эттирмоқда.

**У. ҲАКИМЖОНОВ**  
тайёрлади.



Екатерина Хилько спорт гимнастикасининг трамполин(батут)да сакраш йўналиши бўйича Осие қиъясининг етакчи спортчиларидан саналади. У трамполин билан саккиз ёшидан бошлаб шугулланади. Иқтидорли спортчимиз халқаро турнирлардаги илк муваффақиятини 1995 йили Франциянинг Сенс шаҳрида бўлиб ўтган жаҳон кубогига эришган. Ушундан эътидогана ўн уч ёшга тўлган Екатерина учинчи ўринни қўлга киритганди. Бундан ташқари, ўша йили ўтказилган бир неча халқаро турнирларда ғолиб чиқиб, йил сўнггида Е. Хилько халқаро тоифадаги спорт устаси унвони билан тақдирланди. Айниқса, 2008 йил ҳамюртимиз учун муваффақиятли келди. Пекинда ўтказилган ёзги Олимпиада ўйинларида бронза медалини қўлга киритишга муваффақ бўлди.

## Екатерина ХИЛЬКО: «ҲАМИША ҒОЛИБ БЎЛИШГА ИНТИЛГАНМАН»

— Екатерина, юртимиз фаҳрига айланганингиз ўз-ўзидан бўлмаган, албатта.  
— Онам Ольга Нилова — спорт гимнастикаси бўйича мураббий. Мен болалигимда яқкакураш спорт турларига қизиқардим. Саккиз ёшга тўлганимда ўзи раҳбарлик қиладиган секцияга олиб бордилар. У пайтлари ҳозиргидек, замонавий спорт мажмуалари қаёқда дейсиз.

— Сиз каби ўн уч ёшида халқаро тоифадаги спорт устаси унвонини қўлга киритганлар кўп эмас...  
— Биласизми, ўша пайтда халқаро спорт устаси унвонини ма эканлигини тўлиқ ҳис қила оладиган ёшда эмасдим. Мен ўз олдимга фақат машғулотларда қатнашиш, галаба қозонишни мақсад қилиб қўйгандим. Мамлакатимизда спортнинг хоҳла-

## Ифтихор

настиккага оммавий жалб қилишни мақсад қилиб қўйишимиз керак.

— Келинг, энди Пекин Олимпиадасига бўлган тайёргарлик жараёни ҳақида сўзбатласангиз.  
— 2000 йил Сидней (Австралия) да ўтган ёзги Олимпиада ўйинларида тўртинчи ўринни эгалладим. Ушбу натижа эвазига

ятрилди. Лекин барча вилоятларда ҳам улдузсиз мусобақалар уюштирилмаётди. Биз олдимишга фақат чемпионлар тайёрлашни эмас, кишиларни гим-

настиккага оммавий жалб қилишни мақсад қилиб қўйишимиз керак.

— Келинг, энди Пекин Олимпиадасига бўлган тайёргарлик жараёни ҳақида сўзбатласангиз.  
— 2000 йил Сидней (Австралия) да ўтган ёзги Олимпиада ўйинларида тўртинчи ўринни эгалладим. Ушбу натижа эвазига

ятрилди. Лекин барча вилоятларда ҳам улдузсиз мусобақалар уюштирилмаётди. Биз олдимишга фақат чемпионлар тайёрлашни эмас, кишиларни гимнастиккага оммавий жалб қилишни мақсад қилиб қўйишимиз керак.

ўтказилган жаҳон кубогининг барча босқичида финалгача етиб бордим. 2006 йили бўлиб ўтган Осие ўйинларида эса бронза медалини қўлга киритдим. Шу тариқа, Пекин Олимпиадасига йўланма берувчи турнирларда ҳам муваффақиятли иштирок этдим.

Пекин Олимпиадасида эришган ютуғим умрбод ёдимдан чиқмайди. Мусобақадан сўнг мутахассислар машқи яхши бажарганлигимни айтишди. Кейин бошқа иштирокчиларнинг чиқишини кута бошладик. Учинчи ўринни эгаллаганлигим ҳақида эълон қилишгач, кечгача бунга ишона олмадим. Биринчи бўлиб Фарғонада ёш гимнастикчилар билан ўқув-йигин машғулотлари ўтказилган онамга телефон қилдим. Севинчдан йиғлаб юбордилар.

Мусобақадан қайтишимизда бизни Тошкент халқаро аэропортида катта тантана билан кутиб олишди. Президентимиз Фармон билан менга "Ўзбекистон ифтихори" фахрий унвонини берилди. Ўша пайтлардаги қувончимни сўз билан таърифлаш қийин.

— Каторасига учта Олимпиадада иштирок этдингиз. Тўртинчисига ҳам қатнашиш ниятингиз борми?  
— Албатта. Насиб этса, 2012 йили Лондон (Буюк Британия)да бўладиган ёзги Олимпиада ўйинларида ҳам медаллар учун кураш олиб бораман.

**З. ЖОНИЕБЕКОВ** сўзбашлади.

**Халқ сўзи**  
Народное слово

**МУАССИСЛАР:**  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

**Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ**

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатта олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 503. 52482 нусхала босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

**ТЕЛЕФОНЛАР:**  
Девонхона 233-52-55;  
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

ISSN 2010-8788

Тахририятга келган қўлхатлар тақриз қилнмайдан ва муаллифга қайтарилмайди.  
Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғоев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

☐—Тижорат материал

**• МАНЗИЛИМИЗ:**  
100000, ГСП,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.  
Навбатчи котиб — А. Оршов.  
Навбатчи муҳаррир — Ш. Ортиқов.  
Навбатчи — С. Махсумов.  
Мусахҳах — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.10 Топширилди — 22.10

1 2 4 5